

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Туризмни ривожлантириш**  
**давлат қўмитаси**

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги ҳузурида “Ягона буюртмачи инжиниринг” компанияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳасини (ID-22593 (V-1) кўриб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади.

***Қарор лойиҳаси бўйича.***

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 августдаги ПФ-6053-сонли “Бўстонлиқ туманида бошқарувнинг алоҳида тартибини жорий этиш орқали туризмни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида “Чорвоқ” эркин туристик зонаси дирекцияси ҳамда Бўстонлиқ тумани ҳокимлигининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари белгиланган.

Қарор лойиҳасининг 3-бандида Инжиниринг компаниянинг асосий **вазифалари этиб «Чорвоқ» эркин туристик зонаси ҳамда Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани ҳудудида инвестиция дастурларини амалга оширишда туризм объектлари бино ва иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ҳамда йўл, ичимлик ва оқова сув тизими, электр тармоғи инфратузилмаларини яхшилаш** кўрсатилган.

Инжиниринг компания давлат унитар корхонаси сифатида ташкил этилаётганлигини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги ПФ-6019-сонли Фармонининг 2-бандига асосан **2020 йил 1 октябрдан бошлаб** давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг, шунингдек уларнинг аффилиланган шахсларининг ва хўжалик фаолиятини амалга ошириш ваколатлари берилган давлат муассасаларининг (мудофаа қобилияти ва миллий хавфсизлик мақсадларида бундан мустасно) таъсис этилишига (ташкил этишга ташаббус кўрсатишга) битта товар бозорида бешта ва ундан ортиқ хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият юритиб келаётган соҳаларда йўл қўйилмаслиги белгиланганлигини инобатга олиб, ДУК ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас ҳисобланади.

2. Шу билан биргаликда, Қарор лойиҳасининг 3-бандида Инжиниринг компаниянинг вазифалари сифатида кўрсатилаётган хизматларни бажарувчи эмас ушбу хизматларни ташкил қилувчи ёки назорат қилувчи сифатида кўрсатиш лозим. Ушбулардан келиб чиқиб ҳамда Инвестиция дастури Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланганлигини инобатга олган ҳолда Қарор лойиҳасининг 8-бандни ҳам қайта кўриб чиқиш зарур.

3. Шунингдек, мазкур банднинг 6-хатбошининг якуний қисмидаги “шартнома асосида жалб қилиш” сўзларини “танлов асосида жалб қилиш” сўзларига ўзгартириш шарт.

4. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 августдаги ПФ-6053-сонли Фармонининг 2-банди “в” кичик бандига асосан “Чорвоқ” эркин туристик зонаси ҳудудида жойлашган ва Дирекцияга ўтказилган давлат мулки объектлари ва ер участкаларини реализация қилиш Дирекциянинг қарорига асосан электрон онлайн-аукцион орқали амалга оширилиши белгиланган.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, Қарор лойиҳасининг 3 ва 6-бандларини қайта кўриб чиқиш лозим.

***Қарор лойиҳасининг иловаси бўйича.***

1. Инжиниринг компаниясининг асосий вазифалари “Чорвоқ” эркин туристик зонаси дирекцияси ва Бўстонлиқ тумани ҳокимлигининг юклатилган асосий вазифалари билан такрорламаслик мақсадида қарор иловасининг 5-бандидаги нормаларини қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Худди шундай, илованинг 6-бандидаги Инжиниринг компания функцияларида барча бандларда хизматларни бажарилишини “ташқил қилади” деб кўрсатиш лозим.

2. 6-банди “г”-банди бешинчи хатбошидаги “келишилган шартномавий” сўзларини чиқариб ташлаш лозим;

3. Қурилиш қиймати қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланганлигини ҳамда компания ҳаражатларини қурилиш қийматига қўшилиши бюджетга ортиқча ҳаражатларга олиб келишини ҳисобга олиб, Иловасининг 14-банди учинчи хатбоши чиқариб ташланиши лозим.